

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 6 (12)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
тарих фанлари доктори (DSc)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиазарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳаммадовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Abduraxmonova Kamolaxon Ravshanjon qizi TIBBIYOT ANTROPOLOGIYASI DOIRASIDA BEMORLARNING KASALLIKLAR JARAYONIGA BO‘LGAN QARASHLARINI TAHLIL QILISHNING METODOLOGIK ASOSLARI	5
2	Artikov Ulug‘bek Latifjon o‘g‘li BO‘Z RANGLI SOPOL IDISHLARNING KELIB CHIQISHI VA RIVOJLANISHI	12
3	Askarov Ollabergan Ikrom o‘g‘li FARG‘ONA VODIYSI SO‘NGI BRONZA-ILK TEMIR DAVRI TARIXI PALEOBOTANIK MATERIALLARDA AKS ETISHI	24
4	Бахранов Шерзад Таштурсунович СОВЕТ ХУКУМАТИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ MASALASI ТЎҒРИСИДА	36
5	Mo‘ydinov Doniyorjon Avazbek o‘g‘li AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI DARYO KECHUVLARI TARIXSHUNOSLIGIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR	55
6	Normurodov Dilmurod Raxmatullyevich KITOB TUMANIDAGI SANGANAK (MAKRID) SOY HAVZASIDA OLIB BORILGAN YANGI ARXEOLOGIK QIDIRUV ISHLARI NATIJALARIDAN	60
7	Norova Dildora Radjabovna BOSH KIIYIMLARI VA ULARDAGI ZARDO‘ZLIK SAN’ATINING O‘ZIGA XOSLIGI	76
8	Nosirova Dlrabaxon Ikromjon qizi KORONAVIRUS PANDEMIYASI VA UNING TA’SIRIDA OVQATLANISH MUASSASALARI FAOLIYATIDAGI O‘ZGARISHLAR	84
9	Облобердиев Жасурбек Косим угли КОНТАКТНАЯ И ЭНДОГЕННАЯ МОДЕРНИЗАЦИЯ ТРАДИЦИОННОГО ГОСУДАРСТВА: БУХАРА ПРИ МУЗАФФАРЕ И АБДУЛАХАДЕ	90
10	Priniyazov Jetkerbay Adilbayevich QIZIL ANGOBLI SOPOL IDISHLARNING QO‘QON SHAHRINING YOSHINI ANIQLASHDAGI O‘RNI	100
11	Qulboyev Nishonboy Sobur o‘g‘li SANGZOR HAVZASINING TOG‘-OLDI HUDUDLARIDA ANIQLANGAN YANGI YODGORLIKLARNING LANDSHAFT-XO‘JALIK TIZIMI	110
12	Муминов Алишер Гаффарович., Эрназаров Шермухаммад Эшбекович ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ ДЕКАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР	120

13	Рахимова Ирода Халимовна МЕЖДУНАРОДНАЯ ОБСТАНОВКА И ЕВРОПЕЙСКИЕ МИССИИ В ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИИ: ГЕРМАНИЯ И ВЕЛИКОБРИТАНИЯ (XIX В.)	134
14	Саидова Шахноза Шахназаровна УЧАСТИЕ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕАЛИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОГРАММ УЗБЕКИСТАНА	143
15	Tuxtabekov Kozimbek Azimbekovich “ULUS” ATAMASINING KELIB CHIQISHI VA TARAQQIYOT BOSQICHLARI	160
16	Унгарова Ойдин Кобулжон кизи ИСТОРИЯ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНА С 1991 ПО 2023 ГОДЫ: ПРОБЛЕМЫ И ДОСТИЖЕНИЯ	168
17	Xakimova Shoira Sag‘dullayevna O‘ZBEKISTONDA QAYTA TIKLANUVCHI MANBALAR DOIRASIDA SHAMOL ENERGIYASIDAN FOYDALANISH TARIXI	176
18	Ҳамраев Суннатилло Аллабердиевич БУХОРО АМИРЛИГИГА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН ЮБОРИЛГАН А.Ф. НЕГРИ МИССИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ	184
19	Xolliyev Azizbek Go‘zalovich XIX ASRDA JAHON TEMIR YO‘L QURILISHI: ASOSIY YO‘NALISHLAR VA TENDENSIYALAR	195
20	Xolikulov Axmadjon Boymaxammatovich BUXORO AMILIGINING QO‘QON XONLIGI BILAN MUNOSABATLARI	208
21	Xomitov Ravshan Xomitovich MARKAZIY OSIYO DAVLATLARIDA MILLIY OZCHILIK HUQUQLARINING TA‘MINLANISHI MASALASIGA OID	221
22	Шакиров Ильяс Рахимзянович КУЛЬТУРНО-ГУМАНТАРНЫЕ СВЯЗИ УЗБЕКИСТАНА И ФИЛИППИН: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННЫЙ ЭТАП	229
23	Эргашев Хусан Юсуп ўғли ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЛОЙИҲАЛАРДАГИ ИШТИРОКИ (TACIS-TEMPUS МИСОЛИДА)	237
24	Eshkuvatov Bobir Valikul o'g'li GLOBALLASHUV TENDENSIYALARI VA UNING DINIY-MAFKURAVIY HAYOTDA NAMOYON BO‘LISHI	242

Муминов А. Г.

Тарих факултети декани., с.ф.д., профессор
Ўзбекистон Миллий университети
alisher.nuuz@gmail.com

Эрназаров Ш. Э.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти., PhD
Ўзбекистон Миллий университети
shermuhammad.nuuz@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ ДЕКАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола бугунги кунда тарих фанининг ривожига ва бу соҳада кадрлар тайёрлашда узоқ йиллик бой тажрибага эга Ўзбекистон Миллий университети Тарих факультети ташкил этилганидан бугунги кунга қадар уни бошқарган деканлар фаолиятининг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтилиб, унда соҳа ривожига, ундаги мавжуд камчиликлар ҳамда кадрлар тайёрлашда олиб борилган ишларни ташкил этишда факультетга раҳбарлик қилган олимларнинг фаолиятига урғу бериб ўтилади.

Калим сўзлар: Университет, Декан, Ўрта Осиё Давлат Университети, археологик экспедиция.

КИРИШ

1935 йилда Ўрта Осиё давлат университети таркибида мустақил Тарих факультетининг ташкил этилиши минтақа миқёсида муҳим воқеа бўлди. Дастлаб унга 79 нафар талаба қабул қилинди, 3 та кафедра фаолият олиб борди. Ушбу факультетда Туркистон Университетининг ташкил топишида катта хизматлари синган йирик тарихчи олимлар А.А.Семёнов, В.Я.Непомнин, шунингдек, Л.В.Беженев, В.А.Красавцев, П.П.Смирнов, А.И.Шевцов, Н.Ф.Симонов, А.И.Шевцов, В.К.Кун, К.Е.Житов, С.П.Поликарповлар ишлар эди.

Тарих факультети ташкил топгандан кундан тарих факультетига доц. И. Ф. Шихов (1935-1936 йиллар), доц. Ф. И. Позичанюк (1936-1939 йиллар), доц. И. К. Додонов (1939 йил), кат. ўқит. Д. И. Лобашев (1939-1941 йиллар), доц. И. К. Додонов (1941-1943 йиллар), проф. М. В. Левченко (1943-1944 йиллар), проф. И. К. Додонов (1944-1946 йиллар), кат. ўқит. Д. И. Лобашев (1946-1949 йиллар), доц. А. Ҳ. Ҳамроев (1949-1952 йиллар), доц. Л. В. Гентшке (1952-1961 йиллар), доц. П. А. Ковалев (1961-1962 йиллар), доц. А. Ҳ. Ҳамроев (1962-1965 йиллар), доц. О. М. Тошмухамедов (1965-1967 йиллар), проф. Г. А. Ҳидоятлов (1967-1987 йиллар), проф. А. С. Сагдуллаев (1987-1992 йиллар), проф. Х. Ғ. Ғуломов (1992-1998 йиллар), доц. З.Ч.Усмонов (1998-1999 йиллар), доц. А. С. Татибаев (1999-2000 йиллар),

проф. З. Р. Ишанходжаева (2000-2010 йиллар), доц. М. М. Хайдаров (2010-2018 йиллар) раҳбарлик қилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

30-йилларнинг охири 40-йилларнинг бошида деканларнинг бевосита иштироки ва ҳаракати билан факультетда кучли илмий жамоа тўпланган эди. Дастлабки деканлар И.Ф. Шихов (1935-1936 йиллар), доц. Ф.И. Позичанюк (1936-1939 йиллар) бу масалага жиддий эътибор қаратдилар. Бу даврда факультетда машҳур тарихчи олимлар А.А.Семёнов, В.Е.Кун, П.П.Смирнов, М.Е.Массонлар билан бир қаторда ёш тарихчи олимлар К.Е.Житов, В.Я.Непомнин, И.К.Додонов ва бошқалар фаолият олиб бордилар. Бу ёшларнинг илмий фаолияти келажакда нафақат Ўзбекистон, балки юртимиздан ташқарида ҳам алоҳида ўрин эгаллаганлигини қайд этиш зарур. 1937-1938 ўқув йилида кучли илмий-педагогик мутахассисларга эга бўлган тарих факультетига ёш олимлар М.Г.Ваҳобов, Ю.И.Исҳоков ва бошқалар тақлиф этилди.

30-йилларнинг ўрталаридан археолог мутахассисларга талаб ошиб борди. Ўрта Осиё республикаларида йирик археологик экспедициялар ташкил этиш фаолияти кучайди, ёш археолог кадрларни тайёрлаш масаласини ҳал этишда Ўрта Осиё Давлат Университети асосий марказ ролини ўйнади. 1940 йил 1 апрелда Ўрта Осиё Давлат Университетининг тарих факультети таркибида таниқли археолог М.Е.Массон раҳбарлигида Ўрта Осиё археологияси кафедраси таъсис этилди.

Тарих факультетини кадрлар билан янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда уруш даврида Москва, Ленинград ва бошқа марказий шаҳарлардан Тошкентга эвакуация қилинган йирик олимларнинг ҳиссаси катта бўлди. Тарих факультетига раҳбарлик қилган деканларнинг ташкилотчилик фаолияти туфайли уруш йиллари факультетда таниқли тарихчи олимлар Б.Д.Греков, А.Ю.Якубовский, В.И.Пичета, М.В.Нечкина, С.Н.Валк, Б.Е.Штейн, И.И.Полосин, А.В.Предтеченский, Н.Н.Степанов, А.М.Гуревич, В.И.Авдеев, Е.Д.Черменский, А.С.Нифонтов, В.В.Струве, Р.Ю.Виппер, Е.А. Косминский, Д.Е.Удальцев, А.И.Анекштейн, Л.И.Зубок, И.П.Петрушевскийлар ишлаган. Тарих факультети ташкил топган вақтдан, то 50-йилларгача бўлган даврда факультетда салоҳиятли олимлар тўпланган бўлиб, улар томонидан талабалар учун кўплаб янги махсус курслар ишлаб чиқилган ҳамда ўқув жараёнига жорий қилинган эди [1 с.6.].

Тарих факультети профессор-ўқитувчиларининг, умуман республика тарихчилари ва тарих фанининг 1937-1940 йиллардаги катта ютуқларидан бири, бу Ўрта Осиё давлат университети фаолиятида биринчи бўлиб ўқитувчилардан бир гуруҳининг тарих соҳасида номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилганлигидир. 1937-1940 йилларда университет тарихида биринчилардан бўлиб И.К.Додонов, К.Е.Житов, В.Я.Непомнин ва В.И.Малинин, кейинги йилларда В.В.Ершов, К.Е.Кирова, А.Х.Ҳамроев, В.Ф.Одинцов тарих фани бўйича номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Профессор А.А.Семенов 1942 йилда Университет тарихида тарих

фани бўйича биринчи докторлик диссертациясини, 1944 йилда тарих факультетида И. К. Додонов иккинчи бўлиб докторлик диссертациясини химоя қилди.

Шу даврдан бошлаб республикада тарихчи мутахассислар тайёрлаш ва тарих фанини ривожлантириш соҳасида тарих факультети фаолиятида янги давр бошланди. Профессор-ўқитувчиларнинг илмий-тадқиқот билан шуғулланиши ва химоялари учун зарур имкониятлар яратиш борасида бевосита деканларнинг хизмати катта бўлди. Бу ишларнинг самараси ўлароқ тарих факультетида 3 та Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси – академик, 4 та ФАнинг мухбир аъзоси ва 15 дан ортиқ профессорлар илмий ва ўқув ишларини олиб боришди. Факультетда бундай салоҳият соҳибларининг мавжудлиги нафақат ўқув жараёнини сифатини ошириш, балки услубият ҳамда фанга оид илмий изланишларни самарали давом эттириш имкониятини яратди.

Уруш йилларида факультет профессор-ўқитувчилари давлатнинг турли идораларига ишга жалб этилди. Жумладан, И.К.Додонов Ўзбекистон КП(б)МКнинг тарғибот бўлимини бошқарди[2. 3-14 с].

1941 йил тарих-филология факультети иккита алоҳида мустақил тарих ва филология факультетларига бўлинди. Тарих факультетининг декани И.К.Додонов ташаббуси билан 1942 йил февраль ойида тарих факультети таркибида Санъатшунослик кафедраси ташкил этилди. Ўрта Осиё халқлари тарихи кафедраси яна қайта тикланди ва унга профессор А.Ю.Якубовский раҳбарлик қилди[3. 64-69 С.].

Иккинчи жаҳон уруши даврида тарих факультети бир қатор профессор-ўқитувчилари ва талабалари урушга отландилар. Жумладан, улар сафида тарих факультети декани Дмитрий Иванович Лобашев (1939-1941, 1946-1949 йиллар), умумий тарих кафедрасининг мудир К.Е.Житов, аспирант М.Абдуллаевлар ҳам бор эди. Уруш ўқув жараёнига ўзининг таъсирини кўрсатди. Ўқиш муддати 5 йилдан 3 йилга қисқартирилди, ўқув режасига мамлакат мудофаа қудрати аҳамиятига молик бўлган фанлар киритилди. Шундай шароитда ҳам факультетда илмий тадқиқотлар тўхтаб қолмади [4. с. 6-8].

Тўғарак йиғилишида талабалар ўзларининг илк илмий маърузалари билан иштирок этар, М. Е. Массон улардан фаол бўлишларини талаб этар, ҳар бир тингланган маърузадан сўнг ўз фикрларини билдиришни сўрар эди. СНАК томонидан мунтазам «Археолог» деб номланган деворий газета тайёрланар, унда талабаларнинг тадқиқотлари акс этарди. Бу эса талабаларнинг илмий тафаккури ривожланишига, ижодий фикр юритишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди[5. С. 5].

1964 йилда СНАК фаоллари учун алоҳида кўкрак нишони таъсис этилди. Айтиш жоизки, бу кўкрак нишони эскизининг муаллифи археолог талаба Анвар Билолов бўлган. Кейинчалик бу кўкрак нишонини нафақат тўғарак аъзолари, балки кафедра профессор-ўқитувчилари ҳам фахр билан тақиб юрар эдилар[6. 6-8 б.].

Кафедра битирувчилари ва талабалик йиллари тўғарак аъзолари келгусида бошқа минтақаларнинг тарихи ва археологиясини ўрганиш бўйича самарали фаолият олиб бордилар. Масалан, А. А. Кудрявцев Россия жанубида жойлашган Дербент шаҳрини атрофлича тадқиқ қилган, Е. Г. Афанасьев Шимолий Кавказдаги халқлардан бирининг маданиятини ўрганган, В. Бутанаев Хакасиянинг қадимги маданиятини, Д. Исиев эса талабалик даврида олган билимларни уйғурларнинг қадимги ва ўрта асрлардаги маданиятини ўрганишга йўналтирган[7. 36 б].

Ўрта Осиё археологияси кафедрасидаги М.Е.Массон раҳбарлигидаги СНАК тўғарагининг доврўғи Иттифоқ миқёсида кенг тарқалди[8. 111-124 с]. Деканат ва кафедралар томонидан ташкил этилган бу каби тадбирлар келгусида ўзининг катта илмий самарасини берди. Турли йилларда СНАК раиси бўлган археолог талабалардан Б.А.Литвинский, Э.В.Ртвеладзе, А.С.Сагдуллаевлар кафедрада ишга олиб қолинди, келгусида уларнинг салоҳияти янада намоён бўлиши натижасида академик даражасини олишга эришдилар.

Урушдан сўнг, 50-йилларга келиб, Россиядан келган олимлар ўз юртига қайтиб кетганлиги сабабли факультет тузилишида бир қатор ўзгартиришлар бўлди. Жумладан, Ўрта Осиё халқлари тарихи кафедраси СССР тарихи кафедраси билан бирлаштирилди. Санъатшунослик кафедраси 1952 йилда Музейшунослик кафедраси деб ўзгартирилди. Музейшунослик кафедраси 1954 йили СССР тарихи кафедраси таркибига қўшилди.

Тарих факультетига 1949-1953 йилларда ҳамда ва 1962-1965 йилларда доцент Абдурахмон Ҳамраевич Ҳамраев деканлик қилди. У моҳир раҳбар бўлиш билан бирга, у даврда муаммоли деб ҳисобланган масалалар устида илмий тадқиқот олиб борарди. А.Ҳ.Ҳамраев Ўрта Осиё халқлари тарихининг инқилобгача бўлган даврини ўрганишга айрим тўсиқлар бўлишига қарамай Бухоро амирлиги тарихини ўрганиш соҳасида катта ишларни амалга оширди. Шу даврдан бошлаб талабаларнинг таркибида ҳам республика хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ижобий ўзгаришлар томон бурилиш бошланди.

Тарих факультетининг декани А.Ҳ.Ҳамраев раҳбарлигида кундузги бўлимда бўлгани каби кечки ва сиртқи бўлимларда ҳам ўқув жараёнини такомиллаштиришга катта эътибор берилди. 1962 йили тарих факультетининг кечки бўлими асосида тарихий архившунослик бўлими очилди, факультетда бу соҳа мутахассислари бўлмаганлиги сабаб, факультет раҳбарияти Н.В.Горбань, Л.П.Дядюре, П.Г.Ким каби янги ўқитувчиларни ишга таклиф қилди.

Ўқув жараёнларини янада яхшилаш мақсадида факультет профессор-ўқитувчилари М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова, А. М. Матвеев, В. И. Гулин, Ю. Д. Тарнапольский, З. И. Усмонова томонидан махсус дарслар ташкил этилди, шунингдек, доцентлар Л. В. Гентшке, Х. А. Ерзин, П. А. Ковалев, М. Х. Назаров, О. С. Содиқовлар томонидан махсус курслар ишлаб чиқилди.

1963-1964 ўқув йили тарих факультети таркибида фалсафа бўлими, 1964-1965 ўқув йили эса сиёсий иқтисод бўлими ташкил этилди. Факультетдаги

узоқ йиллар давомидаги ва самарали фаолиятини эътиборга олиниб доцент А.Ҳ.Ҳамраев 1970 йил “ЎзССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони билан тақдирланди.

1953 йилдан 1961 йилгача доцент Лев Владимирович Гентшке тарих факультети декани лавозимида ишлади. Факультет профессор-ўқитувчилари томонидан Ўрта Осиё ва Евросиё тарихи, санъати, музейшунослиги ва археологияси бўйича кенг тадқиқотлар олиб борилди. Археология кафедраси аъзолари М. Е. Массон ва Г. А. Пугаченковаларнинг тадқиқотлари натижасида янги асарлар чоп этилди. 1954 йили Ўрта Осиё халқлари тарихининг қадимги ва ўрта аср тарихини ўрганиш, Ўзбекистонда археология фанини ривожлантириш, ҳамда тарихчи мутахассислар тайёрлашдаги катта хизматлари учун профессор М.Е.Массонга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. 1959 йилга келиб факультетдаги СССР тарихи кафедраси икки мустақил кафедрага – СССР тарихи ва Ўзбекистон тарихи кафедраларига ажралди [9. 6-8 б.].

1961 йили Университетда ижтимоий фанлар бўйича проректорлик лавозими жорий этилгач, бу лавозимга 1952-1961 йилларда тарих факультети декани бўлиб ишлаган Л.В.Гентшке тайинланди. Шундан сўнг 1961-1962 йилларда тарих факультетига доцент Павел Архипович Ковалев декан фаолиятини олиб борди. Шу йилларда ўқитувчилар сафига кўплаб ёш ўқитувчилар қабул қилинганлигини инобатга олиб, факультет раҳбарияти томонидан ёш ўқитувчилар учун ўқув дарсларини олиб бориш услубларини чуқур ўзлаштиришларига амалий ёрдам бериш мақсадида 1961-1962 ўқув йилида махсус услубий семинарлар ташкил этилди.

Шунингдек, факультет ўқув жараёнининг сифат даражасини яхшилаш ва ёш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш мақсадида ушбу семинарларда доцентлар П. А. Ковалев ва Г.Н.Чобровлар курс ишлари ва диплом ишларини ёзишда илмий раҳбарлик қилиш услублари бўйича маърузалар ҳам ўқишди. Ўқув жараёнларини янада яхшилаш мақсадида бир қатор махсус курслар киритилди. Хусусан, П.А.Ковалев томонидан “Диплом ишларини ёзиш услублари”, “Биринчи жаҳон уруши ва Туркистон ўлкаси”, “Ўзбекистонда социализм ғалабаси” каби махсус курслар ишлаб чиқилди ва ўқитилди. Илмий оммабоп ва илмий услубий ишлар ҳам чоп этилди. П.А.Ковалев кўп йиллар кафедра мудири сифатида ҳам фаолият олиб борди.

1965 йили доцент Омон Мусаевич Тошмуҳамедов факультет декани этиб тайинланди ва 1967 йилда докторантурага чиққунга қадар у факультетга раҳбарлик қилди. Шу даврда факультетда амалий педагогик машғулотларни ташкил этиш масалаларига катта эътибор берилди. Тошкент шаҳрининг нуфузли мактабларида амалий педагогик машғулотлар ташкил этилди. Тарих факультети раҳбарияти мактаблар билан доимий равишда ҳамкорлик қилиш учун икки томонлама шартнома тузди. Шунингдек, тарих факультетининг янги ўқув режасида тарихчи талабалар учун археологик ва этнографик амалий машғулотларни йўлга қўйишга ҳам катта эътибор берилган. Масалан, 1965 йили талабаларнинг амалий машғулотлари Самарқанд шаҳрида бўлиб,

улар қадимий Афрасиёб шаҳри билан унинг сарҳадида олиб борилган археологик қазилар ишлари ва тарихи билан танишган.

1967 йили тарих факультетига доцент Гога Аббасович Ҳидоятлов декан этиб тайинланди (у Энг янги тарих кафедраси мудири (1961-1994 йиллар) бўлиб ҳам ишлаган). Г.А.Ҳидоятлов раҳбарлиги ва ташаббуси билан 1970 йил Умумий тарих кафедраси асосида иккита кафедра – Қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи кафедраси ҳамда Янги ва энг янги замон тарихи кафедраси ташкил этилди. 1970 йилга келиб Тарих факультети таркибида учта бўлим: тарих, фалсафа ва сиёсий иқтисод бўлимлари мавжуд бўлиб, 1972 йил тарих факультети қошида Психология бўлими ва партия тарихи бўлими ҳам ташкил этилди. Тарих факультети таркибида бу бўлимлар 1979 йилгача фаолият кўрсатди. 1983 йили факультетда партия тарихи бўлими ва кафедраси очилди.

Профессор О. С. Содиков раҳбарлигида республикада биринчи бўлиб Ўзбекистон тарихи дастури яратилди. Доцентлар Н. Х. Усмонова, Л.М.Мазаева, М.Тўлаганова, Г. Г. Холлиев махсус дарслар олиб боришди. Доцент И. Г. Низамутдинов Ўрта Осиё халқлари тарихининг ўрта асрлар даври тарихи бўйича тадқиқот олиб борди ва талабаларга махсус дарс ўқиди.

Г. А. Ҳидоятловнинг раҳбарлиги даврида факультетда байналминал дўстлик клуби фаолияти йўлга қўйилди. Факультет ёшлари Болгария, Венгрия, Руминия, Югославия, Польша, Чехословакия каби давлатларнинг талабалари билан ўзаро мактублар алмашиши йўлга қўйилган эди. Бу даврда факультетда Осиё ва Африка давлатлари учун (Афғонистон, Эфиопия, Яман, Вьетнам, Алжир, Ироқ) тарихчи мутахассислар тайёрлаш ишлари амалга оширилди.

Г. А. Ҳидоятлов 30 дан ортиқ монография ва дарсликлар, 200 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи, фаолияти давомида дунёдаги нуфузли университетларда (Жавоҳирлар Неру номидаги, Пекин, Мадорасс, Ерусалим, Колумбия, Мерименд), шунингдек, Нью-Йорк Сити коллежи талабаларига маърузалар ўқиган. Гога Аббасович Ҳидоятлов жаҳоннинг янги тарихи бўйича қатор дарсликлар муаллифи. Эдвард Оллвортнинг The Modern Uzbeks (Замонавий ўзбеклар) китобининг алоҳида бобларини инглиз тилидан таржима қилди.

1987-1992 йилларда тарих факультети декани лавозимида Анатолий Сагдуллаев фаолият юритди. Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон кафедраси, унинг фаолиятининг асосий йўналишлари, ўтиладиган фанлар, уларнинг мазмуни, шунингдек кадрлар масаласига эътибор берилди.

А. Сагдуллаев ташаббуси билан Ўзбекистон тарихини мақсадли кенг ўқитиш ва ўрганиш масаласига алоҳида эътибор берилди. 1987 йилда Ўзбекистон тарихи кафедрасининг штат жадвали 5 та профессор-ўқитувчилардан иборат эди. 1990-1991 ўқув йилига келиб, кафедра штати 4 баробар кенгайди. Бунинг сабаби шуки, 1989 йили факультет декани А. Сагдуллаев ва факультет профессор-ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатлари натижасида Ўзбекистон олий таълим тизими тарихида биринчи бор Тошкент давлат университетининг барча факультетлари ўқув режасига янги фан “Ўзбекистон тарихи”ни ўқитиш жорий қилинди. Университет ташаббуси

асосида бундай янгича ёндашув туфайли, биров вақтдан сўнг Ватан тарихидан маърузалар Ўзбекистоннинг барча олий ўқув юртларида ўқитила бошланганлигини алоҳида қайд этиш зарур. 1991 йили Ўзбекистон халқлари тарихи фанига Ватан тарихи статуси берилди. Ўзбекистон халқлари тарихи фани учун 320 соат ажратилди.

Факультетга профессорлар Т. Хўжайов, С. Гитлин, Ш. Фармонов, доцент ва ўқитувчилар Ш. Пидаев, У. Рахмонов, З. Чориев, А. Муминов, Т. Ҳошимов, Ш. Саримсоқова, А. Тен, Я. Ғаффоров ва бошқалар ишга қабул қилинди. 1988 йилга қадар факультетда 25 ёшли ўқитувчилар йўқ эди. Факультет битирувчиларидан 22 та иқтидорли ёш тарихчи, археолог ва тарихчи-санъатшунослар С. Пўлатова, А. Норбеков, А. Хидиров, А. Татибаев, А. Яхшиев, К. Исмоилов, А. Дониёров, Ў. Мавлонов, Н. Полвонов, Б. Эшов, Б. Аминов, М. Ҳайдаров, А. Одилов ва бошқалар ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинди.

1988-1990 йиллар давомида факультет раҳбариятининг ташаббуси билан ЎзФА Археология институти ва Санъатшунослик институтлари билан ҳамкорликда янги археологик экспедициялар ташкил қилинди. Шунингдек, бу даврда факультетда биринчи маротаба махсус этнографик дала экспедициялари ташкил этилиб, талабаларга Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг тоғли туманлари аҳолиси этнографиясини ўрганишга имкон яратилди. Бу экспедицияларга факультет доцентлари Абдужаббор Кабиров ва Турсун Усарович Салимовлар раҳбарлик қилишган.

Раҳбарлик фаолияти билан бирга А. Сагдуллаев ҳаммуаллифликда олий ўқув юртлари учун “Ўрта Осиё археологияси”, “Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда”, “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи” ўқув қўлланмалари, 3 жилддан иборат “Ўзбекистоннинг янги тарихи” китоби ҳамда ўқувчилар учун 6-синф “Ўзбекистон тарихи”, “Қадимги дунё тарихи”, шунингдек, ўқитувчи-методистлар билан ҳаммуаллифликда ишлаб чиқилган имконияти чекланган болаларга ихтисослашган мактаб ва мактаб-интернатларнинг 6-7-синфлари учун “Ўзбекистон тарихи” дарсликлари, “Жаҳон тарихи” ва “Ўзбекистон тарихи” бўйича мактаб ўқувчилари учун тарихий атласлари чоп этилган.

Европа комиссиясининг INTAS дастури доирасидаги РАСТ TIMOUR лойиҳаси бўйича Франция, Россия, Италия, Финляндия олимлари билан ҳамкорлигидаги илмий тадқиқотларда А. Сагдуллаев Ўзбекистон илмий гуруҳига раҳбарлик қилган. Шунингдек, республика доирасидаги бир қатор долзарб аҳамиятга эга грант илмий лойиҳалари бўйича амалга оширилган фундаментал тадқиқотларга раҳбарлик қилган. А. Сагдуллаев 2017 йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Олим 2020 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланди [10. 36 б.].

1992 йили тарих факультетига доцент Хондамир Ғофурович Ғуломов декан этиб тайинланди. Шу билан боғлиқ ҳолатда қуйидаги маълумотларни келтириш ўринли деб билдик. Х. Ғ. Ғуломов ўрта мактабни тугатгандан сўнг ТошДУ (ҳозирда ЎЗМУ)нинг тарих факультетига 1965 йили ўқишга кирази. Бу ерда Хондамир Ғофурович академик М. Е. Массон, З. И. Усмонова, С. Б.

Лунина каби олимлар раҳбарлигида таълим таълим олади. Бўлажак олим ўқиш давомида билимга чанқоқлиги, жамоат ишларида фаоллиги билан ажралиб турар эди. Ўз ҳаётини археология билан боғлашга қарор қилган Х.Ғ. Гуломов “Ўрта Осиё археологияси” (ҳозирда “Археология ва этнология”) кафедраси томонидан ташкил этилган Жанубий Туркменистон археологик комплекс экспедицияси (ЮТАКЭ) ва Кеш археологик топографик экспедицияси (КАТЭ)да фаол қатнашаган. 1970 йили у ТошДУнинг тарих факультетини имтиёзли диплом билан битиради.

Деканлик фаолияти давомида у факультетда янги кафедралар, йўналишларни очиш ишларига катта эътибор берди. Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи кафедраси, Этнография, Қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи кафедраси бўлиниб, Этнография кафедраси ҳамда Қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи кафедралари ташкил этилди. Ўрта Осиё археологияси ҳамда Архившунослик, манбашунослик ва музейшунослик кафедралари қошида алоҳида бўлимлар очилди. Бундан ташқари 1994 йилда ТошДУ факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедраси очилди. Натижада, тарих факультетида 13 та кафедра фаолият кўрсатди. Бу даврда факультетнинг халқаро алоқалари янада ривожланди, хусусан, профессор-ўқитувчилар Европанинг бир қанча мамлакатларидаги нуфузли университетларда тажриба орттирдилар, талабалар ҳам маълум муддатга ўқиб келишди. TESIS (TEMPUS) “Тарих” лойиҳаси бўйича Буюк Британиянинг Эксетер Университети, Франциянинг Ренн Университети, Даниянинг Фредериксберг семинарияси билан ҳамкорликни амалга оширди. Тарих факультети грант ҳисобидан қўлга киритган 1 миллион еврога ахборот ресурс маркази ва босмохона ташкил қилди.

Тарих фанини ўқитиш сифатини ошириш муҳимлигини эътиборга олиб, Х. Ғ. Гуломов ташаббуси билан Ўзбекистон тарихига ажратилган соатлар кескин оширилди. Тарих факультети олимлари мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топишига бағишлаб долзарб муаммоларни қамраб олган қатор янги асарлар яратдилар ва услубий кўрсатмалар ишлаб чиқдилар. Бу соҳада Археология, Ўзбекистон халқлари тарихи, Архившунослик ва манбашунослик кафедралари аъзолари катта ишларни амалга оширдилар.

Х. Ғ. Гуломов “Ўрта Осиё давлатларининг Россия билан дипломатик муносабатлари тарихи (XVIII–XIX биринчи ярмида)”, “Россия билан Бухоро хонлигининг ўзаро дипломатик алоқалари тарихи” мавзусида тадқиқот олиб борган. Олим “Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия билан халқаро алоқалари” (2002), “Ўрта Осиё ва Россия: давлатлараро муносабатларнинг шаклланиши (XVIII аср бошларида)” (2005), “Ўрта Осиё ва Россия (XVIII аср бошларида давлаталараро муносабатларнинг шаклланиши)” (2007)[11. Б. 77.] каби асарлар муаллифи.

Х. Ғ. Гуломов ўз илмий фаолияти давомида 10 га яқин шогирдлари номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилган. У 3 та монография, 4 та ўқув қўлланма, 50 дан зиёд илмий мақолалар муаллифи. Шунингдек, олим бир қатор халқаро ва республика миқёсидаги анжуманларда иштирок етган[12. 46 с.].

1998–1999 йилларда тарих фанлари доктори, профессор Зоир Усмонович Чориев Тарих факультети декани бўлган. У ёшларга янги педагогик технологиялар асосида илм-фан сирларини ўргатиш ишларини кенг йўлга қўйди. Олий ўқув юртлари учун тарих фани бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини яратишда ва ишлаб чиқишда ҳамда такомиллаштиришда фаол иштирок этган. З.Чориев даврида факультетга Д. Ўроқов, Ф. Очилдиев, А. Холиқулов, З. Саидбобоев, К. Тўхтабеков, З. Раҳмонқулова, М. Ҳамидова каби кўплаб ёшлар ишга қабул қилинди. Вилоят олий ўқув юртларида таълим олаётган талаблар ичидан тарих фанлари бўйича салоҳиятини аниқлаш, улар билан суҳбат ўтказиш ва ва Университетга таклиф қилиш ишларида З. Чориевнинг алоҳида ўрни бўлганлигини таъкидлаш зарур. Бундай ишлар натижасида факультетга кўплаб иқтидорли ёшлар олиб келинган эди. Улар қаторида ҳозирги кунда факультетда самарали фаолият олиб бораётган фан докторлари, профессорлар А. Ерметов, Р. Турсуновларни, доцент А. Бобобековни, факультет деканининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари О.Мўминовни алоҳида қайд этиш мумкин.

З. У. Чориев фаолияти давомида чет эл инвестициялари ва грантларини олиб киришда фаоллик кўрсатган. “Кўхитанг тоғлари биохилма-хиллигини муҳофаза қилиш” бўйича БМТ халқаро грантининг миллий координатори ва “Будда ёдгорликларини тиклаш” ЮНЕСКО халқаро грантининг совриндори ҳисобланади. Халқаро алоқаларга эътибор бериш натижасида Европанинг энг ривожланган таълим марказларидан Германиянинг Бонн ва Мюнхен университети, Ҳиндистоннинг Дехли университети билан, Чехиянинг Прага университети, Малайзиянинг техника университети, Испаниянинг Барселона университети ва Россия фанлар Академиясининг Этнология институтлари билан илмий шартномалар тузилиб, алоқалар йўлга қўйилди. Унга халқаро алоқалардаги муваффақияти учун Европа ректорлари иттифоқи томонидан “Сократ” мукофоти лойиқ қўрилди.

З. У. Чориев ўз фаолияти давомида 8 та фан номзодини тайёрлаган. 200 дан ортиқ илмий ишлари эълон қилинган, 8 та монография 14 та ўқув қўлланма ва услубий қўлланмалар муаллифидир. “Тарих атамаларининг изоҳли луғати”, “Хронология ва метрология”, “Ўзбекистон давлати тарихи”, “Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари” каби асарлар муаллифи.

З. У. Чориевнинг илмий йўналиши асосий моҳиятини – Туркистон мардикорлари, уларнинг тақдирлари ва 1916 йилги сиёсий воқеалар ташкил этади. Унинг 100 ортиқ илмий мақолалари республика ва хорижий мамлакатларнинг журналларида чоп этилган бўлиб, у бир қатор монографиялар муаллифи ҳамдир. Жумладан: Туркистон мардикорлари: сафарбарлик ва унинг оқибатлари (1999); Ал-Ҳаким ат-Термизий (ҳаммуаллиф, 2001); Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти (ҳаммуаллиф, 2007) [13. 246 б.].

1999–2000 йилларда т.ф.н., доцент Азиз Суйничевич Татибаев тарих факультети декани лавозимида фаолият кўрсатган. У Жаҳон тарихи кафедрасини шакллантиришда салмоқли ҳисса қўшди. 1998 йил “Қадимги

дунё ва ўрта асрлар тарихи”, “Янги ва энг янги тарих”, “Евросиё тарихи”, “Сиёсий партиялар тарихи” ҳамда “Тарих ўқитиш методикаси” кафедралари ягона “Жаҳон тарихи” кафедраси деб номланиб унга т.ф.н., доцент А.С.Татибоев 2005 йил сентябрь ойигача раҳбарлик қилган. Бу даврда факультетда ҳамкорлик TESIS (TEMPUS) “Евразия” лойиҳаси доирасида давом эттирилди. Ушбу лойиҳалар негизида факультет профессор-ўқитувчилари (Х. Ғуломов, У. Рахмонов, А. Татибаев, А. Холлиев, С. Габриэлян, А. Разаков) Европанинг ҳамкор университетларида ўз малакаларини ошириб қайтдилар, талабалар ҳам ушбу университетларда ўқиб қайтишди.

Доцент А. Татибаев Марказий Осиёни тадқиқ қилиш Халқаро институтининг “Карл фон Шпрунернинг тарихий атласи” номли ЮНЕСКО халқаро грантига сазовор бўлган. Унинг “Анқара ёнидаги жанг: тарихи ва аҳамияти” номли илмий мақоласи турк тилида (Туркия, Анқара) нашр этилган. А.С.Татибаевнинг Central Asia and World History” Tashkent, University Press. “Uzbekistan: the first of independence” // Aqua et Terve, № 6-7, English / Italian Text. номли мақолалари хорижда чоп этилган.

А. Татибоевнинг илмий иқтидори ва ташкилотчилик қобилияти эътиборга олиниб, у турли халқаро ташкилотлар фаолиятига жалб қилинган. Ҳозирги кунда А. Татибаев К. Аденаур номидаги немис маданият марказида самарали фаолият олиб бормоқда.

2000-2010 йилларда Замира Райимовна Ишанходжаева тарих факультети декани лавозимида фаолият кўрсатган. Унинг фаолияти давомида Олий таълимга тегишли барча меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда доимий равишда иштирок этган, ўқув режага тарихимизни ёритилмаган саҳифаларини миллий ғоя руҳида ўрганиш мақсадида янги фанларни жорий қилишга муваффақ бўлган, факультетда Археология таълим йўналиши қайта тикланди, Архившунослик таълим йўналишини ривожлантиришда жонбозлик кўрсатди, Этнология, Халқаро муносабатлар тарихи ва назарияси, Архившунослик ва ҳужжатшунослик магистратура мутахассисликлари очилган, факультетдаги илмий салоҳиятдан унумли фойдаланган ҳолда ўқув режадаги деярли барча фанларни янги ўқув, ўқув-услубий ва илмий адабиётлар нашрини ташкил қилган. Таълим сифатини ошириш мақсадида Республикада бор илмий салоҳиятдан унумли фойдаланиш мақсадида, дарсларни жойларда – Музей ва архив, илмий- тадқиқот институтларда олиб боришни ташкил қилган ва ЎзФА қошидаги илмий марказларда тарих факультети кафедраларни филиалларини ташкил қилган.

Факультет жамоасини илмий салоҳиятини оширишда ҳам жонбозлик кўрсатган. Бу даврда факультет илмий салоҳияти янада ошиб, 2 та академик, 10 та профессор, тарих фанлари доктори, 30 тага яқин фан номзодлари фаолият олиб борди. З. Ишанходжаева даврида бир қатор ўқитувчилар давлат мукофотларини олган. Хусусан, М. Исакова “Шуҳрат” медали билан тақдирланган. Талабалар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар доирасида Ватанимизда ҳурматга сазовор бўлган инсонлар билан Давра суҳбатлари, учрашувлар, турли фестиваль, бадий кўргазма, спорт

мусобақа ва доимий равишда талабалар учун концерт, кино ва театр томошаларини ташкил этган.

Тарих факультети негизида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги ўқув юртларининг “Тарих факультетлари деканларининг Кенгаши” ўзаро ҳамкорлик доирасида ташкил қилган ва ойда бир маротаба махсус ўқув-услубий семинарлар ўтказилиши йўлга қўйилиб, ўқув жараёнида муҳим ва долзарб бўлган ўқув, ўқув-услубий ва илмий-услубий масалаларни муҳокама этишини ташкил қилган ва Вилоят Олий ўқув юртлари ўқув жараёнига инновацияларни жорий этиш, уларни (факультет илмий салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда) ўқув, ўқув-услубий ҳамда илмий адабиётлар билан таъминлаш, жойларда тарих факультетларида таълим сифатини оширишга амалий ёрдам берган.

З. Р. Ишанходжаева ўз фаолияти давомида тарих факультетининг чет эл олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорликни, хусусан М. В. Ломоносов номидаги МДУ, Осиё ва Африка мамлакатлари институти (Россия Федерацияси), Санкт-Петербург Давлат университети, Копенгаген Фредериксберг семинариум (Дания), Биллефельд Университети (Германия) ва бошқа илмий марказлари билан йўлга қўйган.

З. Р. Ишанходжаева ташкилий ишлар билан илмий тадқиқот, ўқув-услубий ишларни ҳам бирга олиб борди. Жумладан, “Россиянинг ноқоратупроқ ерларини ўзлаштиришда Ўзбекистоннинг иштироки (1975-1985)” мавзусида номзодлик диссертацияни ҳимоя қилди ва “Совет ҳокимиятининг катағонлик сиёсатининг Ўзбекистон маданий ҳаётига таъсири” мавзусидаги докторлик диссертациясини якунлади, Ўзбекистон тарихи, дарслик (ҳаммуаллиф), 1-қисм, 1997; Ўзбекистон тарихи, ўқув-услубий қўлланма, 1999; Ўзбекистон тарихи, ўқув қўлланма, 2002, ва бошқа ўқув, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни нашрга тайёрлашга иштирок этган.

2010-2018 йилларда доцент Муродилла Махмутаевич Ҳайдаров тарих факультети декани лавозимида фаолият олиб борди. Юқори малакали тарихчи мутахассислар тайёрлаш борасида тарихимизни долзарб масалаларини ўрганадиган фанларни барча меъёрий ҳужжатлар: Давлат таълим стандартлари ва Ўқув режаларга киритишида жонбозлик кўрсатган ва уларни ўқув жараёнига жорий қилишни ташкил этган.

Факультет фаолиятида талаба ёшларнинг фаоллиги ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокининг ошгани, уларнинг таълимдан ташқари маданий-маърифий ишларга жалб қилингани ҳақидаги маълумотлар, таълимнинг фақат назарий эмас, амалий жиҳатларига ҳам эътибор берилганидан далолат беради. Шу билан бирга, факультет профессор-ўқитувчиларининг тарихий тадқиқотлардаги иштирокини кенгайтириш, янги йўналишларнинг очилиши, замонавий услублар асосида таълим беришга ўтиш ҳаракатлари факультет тарихида муҳим босқич бўлиб қолади.

ХУЛОСА

Факультет ўзининг тарихий ривожланиши давомида нафақат таълим-тарбияда, балки умумий маънавий муҳит ва миллий тарихшуносликни шакллантиришда ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Унинг ривожланиш босқичлари, раҳбарлар сиёсати, профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти ва талабаларнинг таълимга бўлган муносабати бугунги кун учун ҳам қимматли тажриба манбаи ҳисобланади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ковалев П. А., Акопьян И. А. Из истории исторического факультета Ташкентского гос. Университета им. В. И. Ленина. Научные труды ТашГУ, вып. 392, 1970. -С.6.
2. Ташкентский Государственный Университет им. В.И. Ленина. Ташкент, 1990. -С.66.
3. Массон М. Е. Среднеазиатская археологическая школа ТашГУ // Труды Ташкентского Государственного Университета им. В. И. Ленина. Выпуск 295. Археология Средней Азии. VII. Издательство «ФАН» Узбекской ССР. Ташкент. 1966. С. 11. – 3-14 с.
4. Горшенина С. Галина Пугаченкова. Ташкент. 2002. С.110. -258 с.
5. Шамукарамова Ф. Михаил Евгеньевич Массон и археологическая школа Узбекистана // INFOLIB. №3. 2019. С.67. -64-69 С.
6. Ртвеладзе Э. В. СНАК // Проблемы истории, археологии и этнологии Центральной Азии. Материалы научной сборник посвященной 75-летию кафедры археологии Национального университета Узбекистана. Тошкент. 2015. – 6-8.
7. Буряков Ю.Ф. К 70-летию кафедры археологии Средней Азии НУУз им. Мирзо Улугбека//Традиции древней и средневековой городской культуры Средней Азии. 70 лет кафедре археологии Национального университета Узбекистана. Ташкент. 2010. С. 5.
8. Пилипко В. Н. Отец-основатель к 125-летию со дня рождения Михаила Евгеньевича Массона // Вестник МИЦАИ. №34. 2022. -111-124 с.
9. Тошкент Давлат Университети архивидан. Тарих факультетининг 1958-1959 йилларга ҳисоботидан, 6-8 бетлар.
10. Академик Анатолий Сагдуллаев. Библиография (Тузувчи: ЎзМУ тарих факультети доценти Ж.Э. Тоғаев). -Т., 1921. 36 б.
11. Гулямов Х. Г. Ўрта Осиё ва Россия (XVIII аср бошларида давлатлараро муносабатларнинг шаклланиши). –Тошкент: ЎзМУ, 2007
12. Ўзбекистон тарихчилари. I жилд (биобиблиографик маълумотнома)... – Б. 77.
13. Ўзбекистон тарихчилари. I жилд (биобиблиографик маълумотнома). Т.: «Fan va tehnologiya», 2012, 246 бет.

Муминов А. Г.

Декан исторического факультета, д.п.н., профессор
Национальный университет Узбекистана
alisher.nuuz@gmail.com

Эрназаров Ш. Э.

PhD., доцент кафедры «История Узбекистана»
Национальный университет Узбекистана
shermuhammad.nuuz@gmail.com

ОЧЕРК ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЕКАНОВ ИСТОРИЧЕСКОГО ФАКУЛЬТЕТА НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются ключевые аспекты деятельности деканов Исторического факультета Национального университета Узбекистана – учебного заведения, который обладает богатым опытом в развитии исторической науки и подготовке кадров. В статье освещаются направления развития сферы, существующие недостатки, а также работа, которая была проделана проделанная в сфере подготовки специалистов – историков начиная с момента основания факультета. Особое внимание в статье также уделено профессиональной деятельности учёных, руководивших факультетом и внесших значительный вклад в организацию учебно-научного процесса.

Ключевые слова: Университет, декан, Среднеазиатский государственный университет, археологические экспедиции.

Муминов А. Г.

Тарих факультети декани., с.ф.д., профессор
Ўзбекистон Миллий университети
alisher.nuuz@gmail.com

Ernazarov Sh. E.

PhD., associate professor at the department of «History of Uzbekistan»
National university of Uzbekistan
shermuhammad.nuuz@gmail.com

SKETCHES ON THE ACTIVITIES OF THE DEANS OF THE FACULTY OF HISTORY OF THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article examines the key aspects of the activities of the deans of the Faculty of History at the National University of Uzbekistan, an institution with rich experience in the development of historical scholarship and the training of specialists. It highlights the main directions of the faculty's development, existing

shortcomings, as well as the work carried out in the field of training professional historians since the establishment of the faculty. Special attention is given to the professional contributions of the scholars who headed the faculty and played a significant role in organizing academic and research processes.

Keywords: University, dean, Central Asian State University, archaeological expeditions.